

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБАЛАР

Yadgarova Shahodat Salihovna.

yadgarova.shaxodat@bsmi.uz

Buxoro Davlat Tibbiyot Instituti

<https://orcid.org/0009-0004-70025-5671>

Аннотация. Атроф муҳитнинг ифлосланиши асосан саноат ривожланган мамлакатларда кўпроқ содир бўлмоқда саноат корхоналари чиқиндиларининг атмосфера ҳавосига чиқариб ташланишидан ҳосил бўладиган кислотали ёмғирлар қарийиб барча аҳоли яшаш минтақаларини қамраб олмоқда. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчиларни санитар баҳолаш катта аҳамиятга эга, чунки ифлосланиш нафас олиш ҳавоси орқали организмга тушади.

Калит сўзлар. Ретроспектив таҳлил, олтингугурт IV оксиди, углерод оксиди, азот оксиди, водород сульфид, формальдегид, сульфат кислота.

Республиканинг самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим асоси сифатида аҳоли саломатлиги учун мақбул шароитларни яратиш ва экологик мувозанатни сақлашни такомиллаштиришга йўналтирилган чуқур ислохотлар олиб борилмоқда. Бугунги кундаги энг муҳим масалалардан бири атмосфера ҳавосини тоза сақлашдир. Олимларнинг тадқиқотларига кўра ер қуррасида кишиларнинг хўжалик фаолиятига боғлиқ ҳолда атмосферага ҳар йили 500 млн. тонна атрофида олтингугурт газ, сульфид оксиди, азот оксиди ва бошқа ифлослантирувчи моддалар чиқарилмоқда [2].

Маълумотларга кўра бизнинг давримизга келиб атмосфера таркибидаги чанглари миқдори ўтган XX асрга нисбатан 20 % га ошган. Америка Қўшма Штатлари атроф-муҳитни ҳимоя қилиш агентлиги маълумотларига кўра, одамлар сиҳат-саломатлигига хавф туғдирувчи заҳарли моддаларнинг аксарияти, шу жумладан углерод оксидининг 85–97 фоизи, углеводороднинг 55–75 фоизи ва азотнинг 46–63 фоизи мамлакат аҳолисининг ярмидан кўп қисми яшайдиган шаҳарлардаги мавжуд автотранспорт воситаларидан чиқаётган ифлослантирувчи моддалар ҳисобига ҳосил бўлади [3].

Атроф муҳитнинг ифлосланиши асосан саноат ривожланган мамлакатларда кўпроқ содир бўлмоқда саноат корхоналари чиқиндиларининг атмосфера ҳавосига чиқариб ташланишидан ҳосил бўладиган кислотали ёмғирлар қарийиб барча аҳоли яшаш минтақаларини қамраб олмоқда. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчиларни санитар баҳолаш катта аҳамиятга эга, чунки

ифлосланиш нафас олиш ҳавоси орқали организмга тушади. Атмосфера ҳавосини ифлосланишини қуйдаги қатор нохуш таъсир асоратлари билан кузатиш мумкин; ўсимлик дунёсини шикастланиши, атмосферани мусаффолиги туманли кунларининг кўпайиши, бинолар ва уй жиҳозларининг сифатини бузулиши, кимёвий реакциялар натижасида метал каррозиялари, шу билан бир қаторда аҳоли саломатлигига нохуш таъсири қилиши мумкин. Маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики саноати ривожланган шаҳарларда катта ёшдаги аҳоли ва болалар ўртасида нафас олиш органлари касалликлари энг биринчи ўринда (30 дан 80 % гача) туради, кейинги иккинчи ўринда (9–12 %) тери ва тери ости клетчаткаси касалликлари, учинчи ўринда ўрта қулоқнинг йирингсиз отити, эшитиш трубаси касалликлари (2–3 %), қон касалликлари (2–3 %) эгаллайди. Катта ёшдаги аҳоли ўртасида эса иккинчи ўринни овқат ҳазм қилиш системаси касалликлари (7–10 %), учинчи ўринда буйрак, жинсий орган касалликлари (5–7 %) ҳамда тўртинчи ўринда гипертония ва юракнинг ишемик касалликлари (5–6 %) эгаллайди [1, 4].

Материал ва текширув усуллари. Маълумотлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда биз атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасига боғлиқ ҳолда аҳолининг касалланиш ҳолатини ўргандик ва қуйидаги натижаларни олдик; кузатув минтақасидаги атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи маънбаларга қуйидагилар киради; 3459 та корхона ва ташкилот, 12 та йирик саноат корхонаси, 8 та йирик корхона халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, 2929 та кичик корхона ва микрофирма, 200 дан ортиқ чет эл инвесторлари иштирокидаги корхона, энг йирик ифлослантирувчи маънбаларга “Тошмармар” АЖ, “АГРЕГАТ” заводи “ОНИКС” АЖ, “Компрессор” заводи киради. Текширув натижалари. 2020 йилда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини баҳолаш мақсадида 2560 та олинган ҳаво намуналари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича текширилди: чанг, олтингугурт IV оксиди, углерод оксиди, азот оксиди, водород сульфид, формальдегид, сульфат кислотаси. Ушбу йилда жами 2560 та ҳаво намунаси олинди, улардан 310 таси (12,1 %) гигиеник талабларга жавоб бермади, уларнинг барчасини чанг ташкил этди, яъни чангга олинган намуналарнинг умумий сони — 754 тани ташкил этди.

Атмосфера ҳавосидан чангга лаборатория назорати ишлаб чиқариш корхоналарида ва назорат нуқталарида ўтказилди, қуйидаги натижалар олинди: “ОНИКС” АЖ — умумий намуналар — 70, улардан 21 та намуна; “АГРЕГАТ” заводи — 60/34; “САННИРИ” — 40/19; “БАЙТЕКС” — 80/43; “ФАЙЗ-КАРЬЕР” АЖ- 80/35; ёқилги қуйиш шахобчаси — 120/55; чорраҳалар — 80/39; “ТАШКЕНТ” мебел ишлаб чиқариш корхонаси — 80/32; “СУВСАНОАТМАШ” — 80/32; автомобил ювиш шахобчаси — 66/28 намуналар гигиеник талабларга жавоб бемади. 2016 йилда жами 2565 та ҳаво намунаси олинди, ундан 376 таси

гигиеник талабга жавоб бермаган, бу 14,6 % ни ташкил қилади. Атмосфера ҳавосидан чангга олинган намуналардан: “ОНИКС” — 74/17; “АГРЕГАТ” заводи — 60/36; “САННИРИ” — 32/22; “ФАЙЗ-КАРЬЕР” — 80/43; ёқилғи қуйиш шаҳобчаси — 120/62; чорраҳалар — 80/50; “ТАШКЕНТ” мебел ишлаб чиқариш корхонаси — 80/40; “СУВСАНОАТМАШ” — 80/29 гигиеник меъёрларга мос келмади. 2017 йилда жами 2576 та ҳаво намунаси олинган, ундан 361 таси талабга жавоб бермади, бу эса 14,01 % ни ташкил этди. Атмосфера ҳавосидан чангга олинган намуналардан: “ОНИКС” — 70/21; “АГРЕГАТ” заводи — 60/34; “САННИРИ” — 40/19; “БАЙТЕКС” — 80/43; “ФАЙЗ-КАРЬЕР” — 80/35; ёқилғи қуйиш шаҳобчаси — 120/55; чорраҳалар — 80/39; “ТАШКЕНТ” мебел ишлаб чиқариш корхонаси — 80/32; “СУВСАНОАТМАШ” — 80/32 гигиеник талабаларга тўлиқ жавоб бермади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики туман атмосфера ҳавоси барча йилларда асосан чанг ҳисобига ифлосланган. Айниқса чанга олинган намуналардан “АГРЕГАТ” заводи, чорраҳалар, “БАЙТЕКС”, “САННИРИ” АЖ ларда бошқаларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Туман аҳолисининг саломатлик ҳолатига атмосфера ҳавосининг таъсирини ўрганиш мақсадида биз 2020–2022 йиллар динамикасида аҳолининг касалланиш ҳолатини таҳлил қилдик. Бирламчи касалланиш бўйича аҳолининг саломатлик ҳолати ретроспектив таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди; кўз ва кўз косаси касалликлари, нафас олиш аъзолари касалликлари, жароҳатлар, заҳарланиш ва бошқа сабаблар йиллар динамикасида ўсиши аниқланди. Хусусан нафас олиш аъзолари касалликлари бошқа барча нозологик гуруҳларга нисбатан ўсиш ва ўзгариш темпи юқори эканлиги аниқланди. Аҳолининг умумий касалланиш ҳолатини тарқалиши таҳлил қилинганда нафас олиш тизими касалликлари, суяк-мускул тизими касалликлари, жароҳатлар ўсганлиги, овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари, қон айланиш тизими касалликлари, тери ва тери ости клечаткаси касалликлари камайганлиги айниқса юқумли ва паразитар касалликлар, эндокрин тизими ва овқатланишнинг бузилиши, руҳий бузилишлар, айириш тизими, суяк ва мушак тизими касалликлари йиллар динамикасида камайганлиги ўрнатилди. Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики 2022 йил атмосфера ҳавосининг ифлосланиши бошқа йилларга нисбатан юқори эканлиги ўрнатилди. Барча йилларда эса чанг асосий ифлослантирувчи омил бўлиб қолди.

Хулоса. Юқоридаги олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, туман аҳолисининг касалланиш ҳолати бевосита атмосфера ҳавосининг ифлосланиши билан боғлиқ бўлиб, болалар, ўсмирлар ва катталар ўртасида асосан нафас аъзолари кўпайганлиги, юқумли ва паразитар, эндокрин, қон тизими касалликлари камайганлиги ўрнатилди.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Azim o'g'li N. S. Sanitary Protection of Water Bodies and The Process of Natural Cleaning in Water Bodies //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 83-85.
2. Azim o'g'li N. S. Cleaning of Open Water Bodies From Waste Water From Production Enterprises //SCIENTIFIC JOURNAL OF APPLIED AND MEDICAL SCIENCES. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 80-82.
3. Azim o'g'li N. S. Existing Problems in Providing the Population With Drinking Water Through Underground Water Sources //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 77-79.
4. O'G N. S. A. Z. et al. CHANGES IN TASTE AND FOOD INTAKE DURING THE MENSTRUAL CYCLE //Science and innovation. – 2022. – T. 1. – №. D3. – C. 251-253.
5. Нуров С. А. ИНСОН ОРГАНИЗМИДАГИ СУВНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЮҚОРИ КИМЁВИЙ ТАРКИБЛИ СУВ ТАЪСИРИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ //SCIENTIFIC JOURNAL OF APPLIED AND MEDICAL SCIENCES. – 2024. – T. 3. – №. 6. – C. 121-123.
6. Azimovich N. S. Pathogenetic Aspects of the Effect of Water with a High Chemical Content //International Journal of Integrative and Modern Medicine. – 2024. – T. 2. – №. 6. – C. 81-83.
7. Azimovich N. S. The Importance of Minerals for the Human Body //International Journal of Integrative and Modern Medicine. – 2024. – T. 2. – №. 6. – C. 77-80.
8. Azimovich N. S. Correction of Morpho-Functional Changes in the Kidney Caused by Groundwater Consumption with Bioactive Additives //International Journal of Integrative and Modern Medicine. – 2024. – T. 2. – №. 6. – C. 84-85.
9. Azimovich N. S. PATHOGENETIC ASPECTS OF THE PROPERTIES OF WATER IN THE HUMAN BODY AND THE EFFECT OF SOLID WATER //World Bulletin of Public Health. – 2024. – T. 34. – C. 47-49.
10. Sarboz A'zim o'g N. et al. STRATEGIES AND APPROACHES TO REACH OUT-OF-SCHOOL CHILDREN AND ADOLESCENTS //EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE. – 2023. – T. 3. – №. 3. – C. 56-58.
11. Sarboz A'zim o'g N. et al. Key Considerations for Assessing School Food Environments //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2023. – T. 2. – №. 3. – C. 85-87.
12. Azim o'g'li N. S. Sanitary Protection of Water Bodies and The Process of Natural Cleaning in Water Bodies //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 83-85.

- 13.Sarboz A'zim o'g N. et al. Disruption of Natural Systems Affects Health //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 258-260.
- 14.Sarboz A'zim o'g N. et al. The Importance of Ecology for Children's Health and Well-Being //SCIENTIFIC JOURNAL OF APPLIED AND MEDICAL SCIENCES. – 2022. – С. 238-240.
- 15.Ю.С. Салиховна. Медицинские факторы, связанные с физическим развитием детей //- Центральнаозиатский медико-естественный журнал, 2021
- 16.ШС Ядгарова. Антропометрические показатели Детей Города И Сельской Местности // - Центральный Азиатский Журнал из Медицинский и Естественный Наука , 2021
- 17.Ю.С. Салиховна. Основы гигиенической оценки физического развития детей в дошкольных образовательных учреждениях //- АМАЛИЙ В.А. ТИББИЙОТ ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 2022
- 18.ШС Ядгарова, ШО Саитов, С.С. Набиева. Требования к питанию и применению биологически активных препаратов при COVID -19 // - Новый день в медицине, 2020
- 19.Ю.С. Салиховна. Современный подход к состоянию здоровья и когнитивному развитию детей и подростков в условиях реформы дошкольного образовательного учреждения // - АМАЛИЙ ВА ТИББИЙОТ ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 2022
- 20.Ю. С. Салиховна. Гигиеническая оценка состояния здоровья и физического развития детей дошкольного возраста при сочетанном воздействии химических факторов окружающей среды-2022
- 21.Ю.С. Салиховна. Гигиеническая оценка роста и развития детей в условиях реформы дошкольного образования //- Европейский журнал безопасности и стабильности жизнедеятельности (2660..., 2022)